

ШАХСДА ҚАДРИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИ

Маратов Темур Ғайрат ўғли,

Тошкент Кимё халқаро

университети катта ўқитувчиси

Телефон: + 998 99 892 19 93

maxway0210@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.1457547>

Аннотация. Ушбу мақолада қадрият тушунчасининг ижтимоий ва тарихий келиб чиқиши, шаклланиш жараёни ва ривожланиш йўллари таҳлил қилинган. Қадрият тушунчасининг қадимий даврлар, диний-фалсафий қарашлар ва турли сотсиал омиллар таъсирида қандай ривожланганлиги, шунингдек, антик, ўрта аср ва Уйғониш даврида қадриятларнинг қабул қилинишидаги ўзгаришлар кенг ёритилган. Шунингдек, мутафаккирларнинг қадриятлар тўғрисидаги қарашлари таҳлил қилиниб, уларнинг тарихий илдизлари ва ҳозирги замон аксеология фанидаги ўрни очиб берилган.

Калит сўзлар: қадрият тушунчаси, ижтимоий тарих, фалсафа, аксеология, қадриятларнинг ривожланиши, диний-фалсафий қарашлар, Уйғониш даври, инсон қадри.

Аннотация. В данной статье анализируется социально-историческое происхождение понятия ценностей, процесс его формирования и пути развития. Подробно рассматривается, как развивалось понятие ценности под влиянием древних эпох, религиозно-философских воззрений и различных социальных факторов, а также изменения восприятия ценностей в античном, средневековом и эпохе Возрождения. Также анализируются взгляды философов на ценности, их исторические корни и место в современной аксиологии.

Ключевые слова: понятие ценностей, социальная история, философия, аксиология, развитие ценностей, религиозно-философские воззрения, эпоха Возрождения, ценность человека.

Abstract. This article analyzes the socio-historical origins of the concept of values, its formation process, and development paths. It examines how the concept of values evolved under the influence of ancient eras, religious-philosophical views, and various social factors, as well as changes in the perception of values during the Ancient, Medieval, and Renaissance periods. Additionally, the perspectives of philosophers on values, their historical roots, and their place in modern axiology are analyzed.

Keywords: concept of values, social history, philosophy, axiology, development of values, religious-philosophical views, Renaissance, human value.

Кириш.

Қадрият тушунчасининг ижтимоий-тарихий келиб чиқиши мураккаб ва кўп қиррали жараёнларни ўз ичига олади. Бу тушунча тарихан ижтимоий муҳитда ва маданий контекстдаги ўзгаришлар билан боғлиқ равишда ривожланган. Қадрият тушунчаси қадимий даврлар, диний-фалсафий қарашлар, ижтимоий ўзгаришлар, ижтимоий-мадний муҳитнинг ривожланиши каби қатор омилларнинг таъсирида вужудга келган. Умуман олганда, қадрият тушунчасининг ижтимоий-тарихий келиб чиқиши турли факторлар ва жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзаро таъсири орқали қадриятлар шаклланади ва ривожланади. Бу тушунча инсоният тарихининг муҳим қисми бўлиб, унинг ривожланиши жамият ва маданиятнинг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир.

Адабиётлар таҳлили.

"Қадр" ёки "Қадрият" кўп маъноли тушунча бўлиб, кўп жиҳатдан унинг мултидисциплинар табиатига эга эканлигини англатади. Хусусан, қадриятлар масаласига файласуфлар (Г.П. Вижелсов, Ж.Дюи, И. Кант, Р.Б. Перй, Платон, Суқрот ва бошқалар), психологлар (А.Г. Асмолов, Б.С. Братус, Д.А. Леонтев,

А. Маслов, В. Франкл, М.С. Янитский ва бошқалар) ва сотсиологлар (Э. Дюркгейм, Д. Рисман, Т. Парсон ва бошқалар) мурожаат қилишган. Улар қадриятларнинг уч хил шаклини ажратадилар:

1. Қадрият - ижтимоий идеал сифатида;
2. Қадрият обектив шаклда моддий ва рухий маданият маҳсули ёки инсонларнинг хулқ-атвори ифодаси;
3. Шахс хулқ-атворини мотиватсияловчи омиллардан бири.

Тадқиқот натижалари ва асосий мазмуни.

Д.А. Леонтьевнинг таъкидлашича, "қадрият" тушунчасининг ягона, умумеътироф этилган таърифи мавжуд эмас. Бу атама турли муаллифлар томонидан турлича, ўзаро боғланмаган ва бир-бирига зид маъноларда қўлланилади¹. Қадриятлар муаммосини тушуниш учун эса қадриятлар ҳақидаги қарашларнинг тарихий ривожланишига эътибор қаратиш керак. Гарчи "аксиология" фалсафанинг бир бўлими сифатида XX асрнинг бошларида шаклланган бўлса ҳам, қадриятлар масаласини тушунишнинг чуқур тарихий илдизлари мавжуд. Қадриятлар масаласига биринчи марта мурожаат қилганлардан бири Сукрот саналади. (Сукрот ўзидан кейин ёзма манбалар қолдирмаган, унинг ғоялари ва фикрлари эса унинг шогирдлари Платон ва Ксенофонт асарларида акс этган). Сукрот инсон қадриятлари ва унинг мавжудлигининг маъноси ҳақидаги қарашларни илгари сурган. У инсоннинг асосий қадриятини — эзгулик деб ҳисоблаган. Эзгулик инсон ҳаётининг асосий мақсадини белгилаб беради. Инсон эзгулик учун ижобий сифатларга эга бўлиши керак. Ижобий сифатлар инсон билиши кераклигини англатади ва инсон бу билишга эга бўлиб, ёмонликларни амалга оширмайди. Сукротнинг эзгулик ғояси юқори қадрият сифатида унинг шогирдлари ва давомчилари Платон, Антисфен, Ксенофонт ва Диоген томонидан ривожлантирилган. А.Ф. Лосев таъкидлаганидек, Сократнинг давомчилари, кинизм мактабини асос солиб, ҳамма яхши нарсаларни эзгулик деб

¹Леонтьев Д.А. Ценность как междисциплинарное понятие: опыт многомерной реконструкции // Современный социо-анализ: сборник работ авторов, получивших гранты Московского отделения Российского научного фонда и Фонда Форда. VI вып. М., 1996 г. С. 5- 23.

ҳисоблашган ва шунинг билан маънавий бўшлиқни енгиллаштирганлар. Шунингдек, Платон қадриятлар иерархиясини таклиф қилган, унинг шогирди Аристотел эса қадриятларни мақсад категориялари билан боғлаб, қадрият таснифларини келтирган².

Яна бир юнон файласуфи Зеноннинг таъкидлашича, инсон ҳаётининг асосий мақсади — табиатга мувофиқ яшаш, яъни ижобий сифатлар билан мувофиқ яшаш ҳисобланади. Файласуф ва унинг издошлари барча нарсаларни уч хил кўринишга ажратган: “эзгулик”, “ёвузлик”, “ҳам ёвузлик ҳам эзгулик”. Антик фалсафада юқорида таъкидланган уч хил қадриятлар алоҳида ёритилган ва назарий жиҳатдан ўрганилган, аммо қадриятлар антик файласуфлар учун асосан объектив, ташқи инсоний характерга эга бўлган. Уларнинг субъективлиги деярли муҳокама қилинмаган, бу эса “шахсият” тушунчасининг эътиборга олинмаганлиги билан изоҳланади. Антик файласуфлар шахсиятни объектив қадриятлар эгаси сифатида кўришган.

Натижалар ва таҳлил.

Ўрта асрларда қадриятларни ўрганиш масаласи схоластика ривожланиш даврида (Августин, Фома Аквинский) жуда синчковлик билан ўрганилган, бу тадқиқотларда қадриятни ўрганиш вектори шахс чегараларидан ташқарига чиққан бўлиб, унда асосан диний ғоялар асосида қадрият масаласи тушунтирилган. Шунингдек, ушбу давр фалсафасига кўра, қадрият объектив хусусиятга эга бўлиб субъектдан ташқарида жойлашган ва ундан ҳеч қандай тарзда боғлиқ бўлмаган³.

Кўп жиҳатдан илк диний фалсафий қарашлар антик давр фалсафасига (Августиннинг неоплатонизми, кейинроқ Фома Аквинскийнинг аристотелизми) асосланган бўлса-да, янги ғоялар туфайли қадриятлар ҳақидаги қарашлар ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Тадқиқотчи Л.Н. Столовичнинг таъкидлашича, антик давр фалсафаси қадрият сифатида “ҳақиқат”, “яхшилик” ва “гўзаллик” тушунчаларининг хусусиятларига

²Лосев А.Ф. История античной эстетики. Софисты. Сократ. Платон. М.: АСТ; Харьков: Фолио, 2000.

³ Розин В.М. Философия субъективности. М.: АПКИППРО, 2011. - С.229.

эътибор қаратган бўлса, ўрта аср фалсафаси уларнинг умумий асосини топа олди⁴. Схоластларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Платоннинг “Яхшилик ғояси” “Худо ғоясига” айлантирилади. Августин учун Худо – бу яхшилик бўлиб, барча қадриятлар унда бирлашади ва у мутлақ қадрият ҳисобланади.

Уйғониш даврида олий қадрият сифатида Худо эмас балки инсонни эътироф этиш бошланди. Қадриятлар энди инсоний бўлмаган нарса сифатида эмас, балки инсоннинг ажралмас қисми сифатида кўрила бошланди. Лорензо Валла⁵ ва Томмазо Кампанелла⁶ каби ўрта аср файласуфлари ўзларининг қадриятлар классификациясини таклиф қилдилар. Инглиз файласуфи Т. Гоббс обектив ҳодисаларнинг субъектив қабул қилинишига эътибор қаратади ва «Левиатан» асарида шундай ёзади: “ўйлаб кўриш жараёнида инсон фақат табиат томонидан яратилган нарсаларни англатадиган сўзлардан ташқари, сўзловчининг табиати, мойилликлари ва манфаатлари билан шартланган маънога эга сўзлардан ҳам эҳтиёт бўлиши керак. Масалан, фазилят ва иллат номлари турли характерга эга, чунки бир одам донолик деб атайдиган нарсани бошқа одам кўрқув деб атайди, бир одам шафқатсизлик деб атайдиган нарсани бошқа одам адолат деб атайди; бири исрофгарчилик деб атайдиган нарсани иккинчиси улуғворлик деб атайди; бири жиддийлик деб атайдиган нарсани бошқа бири тентаклик деб атайди ва ҳоказо. Мана шунинг учун бу каби номлар ҳеч қачон ҳеч қандай хулосанинг ҳақиқий асоси бўла олмайди»⁷. Т. Гоббс уйғониш даврида биринчи бўлиб инсон қадриятини ўрганишга эътибор қаратиб, қадриятни ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан аниқлашга ҳаракат қилади.

Маърифат даври аксиологиясининг энг юқори нуқтаси И. Кантнинг ишлари билан боғлиқ. И. Кант қадрият ҳақида гапирганда, уни мақсадлар билан боғлашга ҳаракат қилади. «...биз нимадир қилаётганимиз билан эмас,

⁴ Столович Л.Н. Красота. Добро. Истина: Очерк истории эстетической аксиологии. М.: Республика, 1994.

⁵ Валла Л. Об истинном и ложном благе. О свободе воли. М.: Наука, 1989. – С.97.

⁶ Кампанелла Т. Поэтика // Эстетика Ренессанса. Антология. В 2-х т. Т. 2.

М.: Искусство, 1981. С. 173-215. -С. 182.

⁷ Гоббс Т. Левиафан, или Материя, форма и власть государства церковного и гражданского // Сочинения в 2-х томах. Т. 2. М.: Мысль, 1991. – С. 30.

балки уни мақсадга мувофиқ қилаётганимиз орқали ҳаётимизга мазмун бағишлаймиз»⁸. У мустаҳкам ирода ва мутлақ ахлоқ таълимотини яратди. Кантнинг назарида маданият қадрият билан чамбарчас боғлиқ, у маданият инсоннинг ижтимоий қадриятдан иборат эканлигини таъкидлайди. Кант қадриятни англашни янги усуллари, одамнинг ўзи қадрият эканлигини, унинг мавжудлиги ўз-ўзидан қадрият эканлигини қайд этади.

Хулосалар.

Юқоридаги натижаларга асосланиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. антик даврда файласуфлари қадриятнинг икки томонлама бирлигига эътибор қаратдилар: бир томондан, у индивидуалдир, чунки қадрият ҳар бир кишига хос, бошқа томондан эса, у шахсдан юқори ва барча одамларга хосдир. Бу парадоксни ўша даврда ҳал қилиш имкони бўлмаган ва унинг ечимини топиш кейинги авлодларга мерос қолади. Ўрта асрларда илоҳиётчилар қадриятнинг шахсдан юқори компонентиға мурожаат қиладилар. Кейинчалик, эмпирик билимларнинг ошиши ва илм-фан шаклланиши билан қадриятнинг иккинчи аспекти — шахсий таркибий қисми муҳим аҳамият касб этгани сабабли, уйғониш даврида бу жиҳат синчковлик билан ўрганилади.

2. Маърифатпарварлик даврида қадриятни фақат "шахсий аспект"да тадқиқ этиш етарли эмаслиги англанди. Кант қадриятларнинг "шахсий" ва "шахсдан юқори" жиҳатларини инсон ақлида бирлаштиришға уриниб кўрди, бироқ бу барибир идеалистик характер касб этди (субектив идеализм). XIX аср файласуфлари эса, ниҳоят, реаллик (борлиқ) ва қадриятларни (идеал борлиқ) ажратишға муваффақ бўлдилар. Бу контекстдаги қадрият реалликка ма'но берувчи шакл сифатида эътироф этилиши бошланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Валла Л. Об истинном и ложном благе. О свободе воли. М.: Наука, 1989. – С.97.

⁸Кант И. Соч.: в 6 т. Т. 5. М.: Мысль, 1965. – С. 467.

2. Столович Л.Н. Красота. Добро. Истина: Очерк истории эстетической аксиологии. М.: Республика, 1994.
3. Кампанелла Т. Поэтика // Эстетика Ренессанса. Антология. В 2-х т. Т. 2.
4. Кант И. Соч.: в 6 т. Т. 5. М.: Мысль, 1965. – С. 467.
5. М.: Искусство, 1981. С. 173-215. -С. 182.
6. Розин В.М. Философия субъективности. М.: АПК и ППРО, 2011. - С.229.
7. Гоббс Т. Левиафан, или Материя, форма и власть государства церковного и гражданского // Сочинения в 2-х томах. Т. 2. М.: Мысль, 1991. – С. 30.
8. Леонтьев Д.А. Ценность как междисциплинарное понятие: опыт многомерной реконструкции // Современный социо-анализ: сборник работ авторов, получивших гранты Московского отделения Российского научного фонда и Фонда Форда. VI вып. М., 1996 6. С. 5- 23.
9. Лосев А.Ф. История античной эстетики. Софисты. Сократ. Платон. М.: АСТ; Харьков: Фолио, 2000.